

Демография

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1854,0 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 10,5 минг кишига ёки 0,6 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг табиий ўсиши 11,7 минг кишини ташкил этди. 2017 йил январь-июнь ойида аҳолининг кўчиб келиш ва кўчиб кетиш миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -1,2 минг кишини ташкил қилди. (Кўчиб келганлар 3,4 минг киши, кўчиб кетганлар 4,6 минг киши).

2017 йил январь-июнь ойида аҳолининг табиий ҳаракати қуйидагича ифодаланади:

	Минг нафар			Ҳар 1000 кишига	
	2016 йил	2017 йил*)	ўсиш, камайиш (+,-)	2016 й	2017 й*)
Туғилганлар	16,1	15,7	-0,4	17,8	17,2
Ўлганлар	3,8	4,0	0,2	4,3	4,4
шу жумладан бир ёшгача болалар**)	0,2	0,1	-0,1	9,6	7,2
Табиий ўсиш	12,3	11,7	-0,6	13,5	12,8
Никоҳлар	6,5	6,1	-0,4	7,1	6,7
Ажралишлар	0,8	0,9	0,1	0,9	1,0

2017 йилнинг январь-июнида туғилганлар сони 15,7 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилга нисбатан, туғилиш коэффициенти 0,6 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиш даражаси Гиждувон туманида (20,4 дан 19,3 промиллега), Бухоро туманида (16,2 дан 15,4 промиллега), Пешкў туманида (18,7 дан 17,6 промиллега), Шофиркон туманида (18,0 дан 17,5 промиллега), Олот туманида (19,5 дан 18,8 промиллега), Вобкент туманида (18,2 дан 17,4 промиллега) кузатилди. Жорий йилда туғилишнинг энг паст даражаси Когон шаҳрида (14,7 промилле) бўлгани кузатилди.

2017 йил январь-июнда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоят бўйича ўлганлар сони 4,0 минг кишини ташкил қилди. Ўлганлар сонининг кўпайтиш ҳолати эса Олот туманида (4,1 дан 4,3 промиллега), Гиждувон туманида (4,4 дан 4,5 промиллега), Когон туманида (5,0 дан 5,4 промиллега), Қорақўл туманида (4,1 дан 4,5 промиллега), Жондор туманида (3,8 дан 4,3 промиллега) Шофиркон туманида (4,3 дан 4,6 промиллега) кузатилди.

*) Дастлабки маълумот

***) ҳар 1000 туғилганларга

Энг кўп ўлим ҳоллари Когон туманида (5,4 промилле) бўлиб, энг кам ўлим ҳоллари Қоровулбозор туманида (2,9 промилле) кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 2,8 минг та (70,0 фоизи), бахтсиз ҳодисалардан 0,2 минг та (5,0 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 0,2 минг та (5,0 фоизи), саратон касалликлари 0,4 минг та (10,0 фоизи) ва юқумли касалликлардан 0,1 мингта (2,5 фоизи) бошқа касалликлардан 0,3 мингта (7,5 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 июль ҳолатига бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 129 тани ташкил қилди. Гўдаклар ўлими 2016 йилнинг январь-июнида 9,6 промилле бўлиб, 2017 йил январь-июнида 7,2 промиллени ташкил этди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 60 та (46,5 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 22 та (17,0 фоизи) вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-июнида ФХДЁ органларида 6112 та никоҳлар ва 927 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,7 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 7,1та) ва 1,0 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3358 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4577 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1219 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 933 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шахрида (минус 956) Олот ва Пешкуда (минус 124), Ғиждувон (минус 277) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига

